

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019. Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

М.АУЕЗОВ НОМИДАГИ ЖАНУБИЙ ҚОЗОҒИСТОН УНИВЕРСИТЕТИ

МАДАЛИЕВ ЯРМУХАММАТ ХУДАЙБЕРГЕНОВИЧ

**ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР ОҒЗАКИ ИЖОДИДА ЛАТИФА ЖАНРИ:
ТИПОЛОГИЯСИ, МОТИВЛАРИ, ТАСНИФИ
(ЎЗБЕК ВА ҚОЗОҚ ЛАТИФАЛАРИ МИСОЛИДА)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик
ва таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of the abstract of dissertation on doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Мадалиев Ярмухаммат Худайбергенович

Туркий халқлар оғзаки ижодида латифа жанри:

типологияси, мотивлари, таснифи

(ўзбек ва қозоқ латифалари мисолида) 3

Мадалиев Ярмухаммат Худайбергенович

Жанр анекдотов в устном творчестве тюркских народов:

типология, мотивы, классификация

(на примере узбекских и казахских анекдотов) 25

Madaliev Yarmukhammat Khudaibergenovich

The genre of anecdotes in the oral works of the Turkic peoples:

typology, motives, classification

(on the example of Uzbek and Kazakh anecdotes) 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 51

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019. Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

М.АУЕЗОВ НОМИДАГИ ЖАНУБИЙ ҚОЗОҒИСТОН УНИВЕРСИТЕТИ

МАДАЛИЕВ ЯРМУХАММАТ ХУДАЙБЕРГЕНОВИЧ

**ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР ОҒЗАКИ ИЖОДИДА ЛАТИФА ЖАНРИ:
ТИПОЛОГИЯСИ, МОТИВЛАРИ, ТАСНИФИ
(ЎЗБЕК ВА ҚОЗОҚ ЛАТИФАЛАРИ МИСОЛИДА)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик
ва таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Диссертация Қозоғистон Республикаси М.Ауезов номидаги Жанубий Қозоғистон университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.tsuos.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тухлиев Боқижон
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Турдимов Шомирза Ганиевич
филология фанлари доктори, профессор

Муҳибова Ульпатхон Учқуновна
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019. Fil/Tar.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 233-45-21.

Диссертация автореферати 2021 йил «_____» _____ куни тарқатилди.

(2021 йил «_____» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

А.М.Маннонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси филол.ф.д., профессор

Р.А.Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, филол.ф.д.

У.У.Муҳибова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон фольклоршунослигида номоддий маданий меросни муҳофаза қилишнинг энг самарали усулларида бири сифатида уларни ёшлар онгига сингдириш, миллий ғурур туйғуси шакллантириб, миллий ўзликни англантиш кўрилади. Бу вазифани бажариш учун эса халқнинг асрий турмуш тарзи, ҳаётий тажрибалари, ахлоқий қарашлари, тасаввур ва дунёқараш, ахлоқий-маънавий олами, кундалик муаммолари билан чамбарчас боғлиқ бўлган оғзаки ижодни илмий асосда теранроқ ўрганиш талаб этилади. Хусусан, халқ оғзаки ижодининг энг халқчил, энг ҳозиржавоб, энг долзарб жанри бўлмиш латифалар халқнинг кундалик ҳаёт тарзига асосланиб яратилгани боис, қардош халқлар латифаларининг ғоялари, сюжети ва қаҳрамони, генезиси ва тарихий шаклланиш жараёнидаги мотивларни типологик тадқиқ этиш халқлар ўртасидаги муштарак ва фарқли жиҳатларни яққолроқ тасаввур қилишга ёрдам беради.

Дунё фольклоршунослигида кейинги вақтларда дунё бўйича халқ оғзаки ижодига бўлган қизиқиш сусайиб, унинг ўрнини «оммавий маданият» эгаллаётгани ҳақида катта минбарлардан ҳам айтилмоқда¹. Бироқ халқ оғзаки ижодининг энг оммабоп жанри бўлмиш латифаларга нисбатан бундай дейиш қийин. Латифа жанрида сусайиш деярли кузатилаётгани йўқ. Аксинча, у замон ва даврга, даврага мос равишда ўзгариб, ўзининг теран ижодий табиатини намоён қилаётир. Бинобарин, латифа жанрининг оммабоп ва халқчиллиги, фаол қўлланиши уни ижтимоий-тарихий сатҳда типологик жиҳатдан таснифлашни тақозо этмоқда. Айниқса, қардош халқлар латифаларини қиёсий-типологик таҳлил этиш халқ руҳиятини теранроқ англаш ва муштарак бадиий-эстетик қадриятларни аниқлаш имкониятини яратади.

Ўзбекистонда латифа жанрининг ўрганилиши кўп йиллик тарихга эга бўлиб, жанр хусусиятлари, ижро шакли, поэтикаси, образлар тизими анчагина батафсил таҳлил этилган. Бироқ туркий халқларнинг барчаси учун муштарак латифа қаҳрамонлари кенг тарқалгани, ҳозиргача фаол тарзда яратилиб, ижро этилаётгани шу маҳалгача қиёсий таҳлилга тортилган эмас. Хусусан, латифа жанрининг ўзбек ва қозоқ фольклоридаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларини тадқиқ этиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бирига айланди. Ўзбеклардаги латифа² ва унинг қозоқча муқобили бўлган ангиме³ ниҳоятда

¹ Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев «ҳозирги глобаллашув даврида, тижорат воситасига айланган «оммавий маданият», шоу-бизнеснинг салбий таъсири тобора кучайиб бораётган мураккаб замонда ҳар қандай миллий маданиятнинг булоғи бўлган фольклор санъатига эътибор ва қизиқиш, афсуски, сусайиб бораётгани сир эмас» деган эди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро бахшичилик санъати фестивали очилишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-khal-06-04-2019>.

² Афанди латифалари (тўпловчи Ш.Ризо). 6 жилдлик. – Тошкент: Ўздадабийнашр, 1941.; Насриддин Афанди латифалари (тўпловчилар С.Абдулла, А.Раҳмат). – Тошкент: Ўздададабийнашр, 1960. – 212 б.; Латифалар (тўпловчилар Ҳ.Раззоқов, Ш.Шомақсудов, Ш.Шораҳмедов). – Тошкент, 1968. – 380 б.; Афандининг аҳди (тўпловчи Ё.Жўраев). – Тошкент: Ёш гвардия, 1966. – 44 б.; Афанди латифалари (тўпловчилар Б.Саримсоқов, Ф.Йўлдошева). – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1990. – 272 б. ва бошқалар.

³ Адамбаев Б. Халық даналығы, қазақ мақал-мәтелдері мен шешендік сөздері, Алматы: Мектеп, 1976, 161б.; Алдар Көсе мен Қожанасыр хикаялары / [құрас. А. Құлбаев; ҚР Мәдениет және ақпарат министрлігі. Алматы: 2018.

оммавий, ҳаммабоб, қизиқарли, импровизация учун ўта қулай эканлигидан ташқари, улар халқнинг олий мақсадини, орзусини, қайғу ва ҳасрат, изтироб ва севинчини, эзгу идеаллар учун курашини, кундалик турмуш тарзини қисқа бадиий матнда кенг қамраб олиши билан ўзаро жуда яқиндир. Тили, дини бир, урф-одатлари, маиший турмуш тарзи ўхшаш, асрлар давомида ёндош худудларда кўни-кўшни, қардош-қариндош бўлиб яшаган икки туркий халқ фольклоридаги эпик анъана ва тарихийлик, ижро ва маҳорат каби масалаларни ўрганиш асосида янги ва муҳим илмий хулосаларга келиш мумкин. Латифаларда акс этган ғоялар, ўғит ва хулосалар ёш авлодни баркамол инсон сифатида тарбиялашда улкан маънавий, ижтимоий ва бадиий-эстетик вазифаларни адо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида», 2019 йил 14 майдаги ПҚ-4320-сон «Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 апрелдаги 304-сон «Бахшичилик ва дostonчилик санъатини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Халқ латифалари воқеабанд, юмористик характердаги халқ ҳажвиёти жанрларидан бири бўлганлиги туфайли тадқиқотчилар диққатини кўп вақтлардан буён ўзига жалб этиб келади.

– 194 б.; Алдар Көсе хикаялари. – Алматы: Аруна, 2016. 72 б.; Бабалар сөзі: Жўзтомдық. – Астана: «Фолиант», 2013. Т. 98: Кўлдіргі әнгімелер. – Б. 440.; Академик Гордлевский А.А. Избранные сочинения. Том 2. – М.: Изд-во Восточной литературы, 1961, с 34.; Гордлевский В.А. Ходжа Насреддин // Избр.соч. В 4-х т. – М.: Вост.лит., 1961. Т.2. – С. 339-350. ва бошқалар.

Хусусан, ўзбек фольклоршунослигида Р.Муқимов, Ё.Жўраев, Ҳ.Раззоқов, Ш.Ризо, С.Абдулла, А.Раҳмат, Ш.Шомақсудов, Ш.Шораҳмедов, Б.Саримсоқов, Ф.Йўлдошева, О.Собиров, К.Имомов, Б.Суванқуловлар халқ латифаларига бағишланган илмий тадқиқотларида латифанинг жанр хусусиятлари, уларни тўплаш, тадқиқ этишга доир ишларни амалга оширган⁴.

Қозоқ халқ латифаларини тўплаш ва нашр этишда Мухтар Ауезов, Абубакир Диваев, Бейсенбай Кенжебаев, Есмағамбет Исмаилов, Утебай Турманжанов, Тўкен Абдрахманов, Қыдирали Саттаров ва яна бошқаларнинг тадқиқотларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Қозоқ латифаларини тўплаб, нашр қилишда таниқли олим Бейсенбай Кенжабаевнинг 1981 йилда чоп қилинган «Тымпи» номли тўплами бу соҳада катта аҳамиятга эга бўлган рисоладир. Қозоқ тилидаги «Аңыз адам», «Қазақ тілі мен әдебиеті» ва ўзбек тилидаги «Жанубий Қозоғистон» каби газета ва журналларда С.Қасқабасов, З.Сейтжанұлы, Қ.Молдатаев, Я.Мадалиев, Г.Турсунбаева⁵ ва яна кўплаб муаллифларнинг мавзуга оид материаллари эълон қилинган.

Юқорида номлари зикр этилган олимлар тадқиқотлари фақатгина бир халқ доирасидаги латифалар тадқиқига бағишланган бўлиб, ўзбек ва қозоқ фольклоридаги латифаларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари, сюжет ва мотивлари, генезисига доир тадқиқотлар амалга оширилмаган.

Диссертация мавзунинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик университети илмий тадқиқот ишлари режасининг «Мумтоз адабиёт намуналарини тилшунослик, адабиётшунослик, матншунослик ва манбашунослик жиҳатидан тадқиқ этиш» ҳамда М. Ауезов номидаги Жанубий Қозоғистон университети илмий тадқиқот ишлари режасининг «Туркий халқлар фольклорини қиёсий ўрганиш» мавзuidaги илмий йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек ва қозоқ халқ латифаларининг юзага келиш тарихи, тараққиёт омилларини аниқлаш, тадрижий тараққиёт босқичларини

⁴ Муқимов Р. Ўзбек хаёқ оғзаки ижодида сатира ва юмор // Ўзбек сатирасининг айрим масалалари. – Самарқанд: СамДУ, 1964. –Б. 18-55; Жўраев Ё. Ўзбек халқ ижодида динга қарши мотивлар. – Тошкент: Фан, 1965. – 163 б.; Раззоқов Ҳ. Ўзбек халқ оғзаки ижодида сатира ва юмор. – Тошкент: Фан, 1965. – 144 б.; Йўлдошева Ф. Ўзбек латифаларида Насриддин Афанди образи. – Тошкент: Фан, 1979. –103 б., Афанди латифалари (тўпловчи Ш.Ризо). 6 жилдлик. – Тошкент: Ўздадабийнашр, 1941; Насриддин Афанди латифалари (тўпловчилар С.Абдулла, А.Раҳмат). – Тошкент: Ўздададабийнашр, 1960. – 212 б.; Латифалар (тўпловчилар Ҳ.Раззоқов, Ш.Шомақсудов, Ш.Шораҳмедов). – Тошкент: Тошкент, 1968. – 380 б.; Афандининг аҳди (тўпловчи Ё.Жўраев). – Тошкент: Ёш гвардия, 1966. – 44 б.; Афанди латифалари (тўпловчилар Б.Саримсоқов, Ф.Йўлдошева). – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1990. – 272 б.; Собиров О. Латифа ва лофлар //Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – Б. 176-186; Саримсоқов Б. Ўзбек фольклорининг жанрлар состави //Ўзбек фольклори очерклари. 3 томлик. – Тошкент: Фан, 1988. Т.1. – Б. 64-85; Йўлдошева Ф. Латифа //Ўзбек фольклори очерклари. 3 томлик. – Тошкент: Фан, 1989. Т.2. –Б.139-150; Имомов К. Латифалар //Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990. – Б.216-222; Суванқулов Б. Ўзбек халқ латифаларининг жанр хусусиятлари ва бадиияти. Филол.фан. ном. дисс. –Тошкент: 2007. – 158 б.

⁵ Тымпы: аңыздар, мысалдар, эзилдер. Қурастырган Кенжебаев Б. Алматы: Жалын,1981.- 144 б. Қасқабасов С. Ишкі еркіндігі мен сабырлы рухы Қожанасырды сүйікті кейіпкер етті. «Аңыз адам» №7 (43) 2012. 23-24 б. /Сейтжанұлы З. Қожанасыр мен Алдаркөсе жас ұрпақты жаманға жанаспауға үйретеді. «Жұлдыздар отбасы» №7 (15). /Молдатаев Қ. Түркиядан Қожанасырдың қыздары мен немересінің мазар тасы табылған «Аңыз адам» №7 (14). /Мадалиев Я. Дүниежүзіндегі Қожанасыр әңгімелерін жинақтап зерттеу қажет №7 (44). /Турсунбаева Г; Мадалиев Я. Туркий халқлар латифа жанрининг султони; «Жанубий Қозоғистон» №17 (2922) 2021й. 13.02.

текшириш, халқ фалсафий ва бадий эстетик қарашларининг шаклланишида ижтимоий-тарихий ва географик муҳит ўрнини, ўзбек ва қозоқ халқ латифалари қаҳрамонлари характерини, латифаларнинг структурал, поэтик типологиясини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўзбек ва қозоқ халқ латифаларини қиёсий-типологик жиҳатдан ёритиш;

латифаларнинг жанр хусусиятлари ва поэтик табиатини белгилаш;

ўзбек ва қозоқ халқ латифаларининг яратилиш тарихи ва вужудга келиш омилларини кўрсатиш;

латифаларда акс этган миллий менталитетнинг ўзига хос жиҳатларини қиёсий-типологик жиҳатдан текшириш;

ўзбек ва қозоқ халқ латифалари, уларнинг қаҳрамон характер-хусусиятларидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларини илмий-назарий жиҳатдан асослаш;

ўзбек ва қозоқ халқ латифалари мавзу кўламининг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини тавсифлаш;

ўзбек ва қозоқ латифаларининг тили, образлар тизими ва бадий хусусиятларини қайд этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ЎзРФА Ўзбек тили адабиёти ва фальклор институти архивида 621-1510, 1560-инв. рақами билан сақланаётган фольклор экспедицияси материаллари, шунингдек, қозоқ фольклоршунослари томонидан «Бабалар сөзі» туркумида нашр этилган 100 жилдликнинг 98-жилди («Күлдіргі әнгімелер»⁶ деб номланган бўлиб, унга 323 та латифа киритилган) танланган.

Тадқиқотнинг предметини ўзбек ва қозоқ халқлари латифаларининг сюжети, мотивлари, қаҳрамонлар тизими ва поэтикасини қиёсий таҳлил қилиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни амалга оширишда таснифлаш, тавсифлаш, тарихий-қиёсий, тарихий-типологик, матний-текстологик ва қиёсий-типологик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

ўзбек ва қозоқ халқлари тарихида муҳим ўрин тутган географик, ижтимоий-қиёсий, этник, этнографик ва маънавий омилларнинг латифа жанрида ўхшаш сюжетлар, мотив ва қаҳрамон типининг юзага келишида асосий рол ўйнаганлиги аниқланган;

ҳар икки халқ латифаларнинг шаклланиши ва ривожланишига дoston, эртак ва аския муҳим таъсир кўрсатгани, қозоқ латифалари ривожига чечанлик сўзлари, ўзбек латифаларига эса ёзма адабиётнинг таъсири бўлганлиги исботланган;

ўзбек ва қозоқ латифаларидаги ўзаро уйғун ва фарқли жиҳатлар ҳар икки халқнинг этник, иқтисодий, географик, миллий-маънавий қадриятлар тизими билан изоҳланиши, латифа жанрининг образлар тизими ва поэтикаси қардош

⁶ Бабалар сөзі: Жўзтомдық. – Астана: «Фолиант», 2013. Т. 98: Күлдіргі әнгімелер. – Б. 440.

халқлар ва дунё фольклори билан типологик ўхшашликларини очиб беришда муҳим фактик материал бўлиб хизмат қилиши исботланган;

Ўзбек ва қозоқ латифаларидаги қўшимча образлар, мавзу ва мотивларнинг янги тарихий шароит таъсирида мунтазам янгиланиб бориши далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

чиқарилган назарий хулосалар ўзбек ва қозоқ халқ латифаларининг жанр хусусиятлари, тарихий асослари ва бадииятини тадқиқ этишда, унинг тарихий тараққиётида юз берган жанрий ўзгаришлари юзасидан шу маҳалгача билдирилган мавжуд илмий хулосаларни кенгайтириш ва тўлдиришга, латифалар сюжети, мотивлари ва қаҳрамонларининг ўзаро қиёси, жанрий хусусиятлари, типологик ўхшашлик ва фарқли жиҳатлари, бадииятига оид таҳлил натижалари умумфольклор масалаларининг ривожига хизмат қилган;

Ўзбек халқ оғзаки ижоди бўйича дарслик, ўқув қўлланма ва монографиялар яратишда, шунингдек, ўзбек, қозоқ ва бошқа туркий халқлар фольклори латифаларини таснифлашда зарурий илмий манба бўлиб хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг ишончли манбалардан олингани, келтирилган таҳлил хулосаларининг муносиб факт ва манбалар билан далилланган таснифлаш, тавсифлаш, тарихий-қиёсий, тарихий-типологик, матний-текстологик, қиёсий-типологик ва бошқа методлар асосида аниқлангани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти нафақат латифа жанри, балки халқ оғзаки ижодининг бошқа насрий жанрларининг поэтик хусусиятларини очиқлашда, уларни таълим-тарбиявий, ахлоқий, адабий-эстетик нуқтаи назардан янада чуқурроқ ўрганишда илмий-назарий асос сифатида хизмат қилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Насриддин Афанди, Алдарқўса каби латифа қаҳрамонлари ҳақида яратиладиган турли бадиий ва ҳужжатли фильм сценарийларини ёзишда, ёшлар маънавиятини шакллантириш ва бойитишга оид турли адабий-маданий тадбирларни ташкил этишда, фольклор жанрларининг тарихи ва поэтикасини ёритишда, «Ўзбек фольклори», «Қозоқ фольклори», «Фольклоршунослик асослари» каби ўқув фанларидан маъруза матнлари, дарслик ва қўлланмалар тайёрлаш ҳамда фольклоршунослик йўналишида махсус курсларни ташкил этишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Туркий халқлар, хусусан, ўзбек ва қозоқ оғзаки ижодида латифа жанрининг типологияси, мотивлари ва таснифи юзасидан қилинган таҳлил натижалар асосида:

Ўзбек ва қозоқ латифаларидаги ўзаро уйғун ва фарқли жиҳатлар ҳар икки халқнинг этник, иқтисодий ҳамда географик, шунингдек, миллий-маънавий қадриятлар тизими билан изоҳланиши, латифа жанрининг образлар тизими ва поэтикасини ўрганиш эса қардош халқлар ва дунё фольклори билан типологик

ўхшашликлари ҳақида чиқарилган хулосалар асосида Қозоғистон Республикаси ўзбеклар «Дўстлик» ҳамжамияти ушбу тадқиқот материалларидан ўзбек халқ оғзаки ижоди бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларни тайёрлашда фойдаланган (Қозоғистон Республикаси ўзбеклар «Дўстлик» ҳамжамиятининг 2020 йил 10 июлдаги 56-11-сон маълумотномаси). Натижада Қозоғистон Республикасидаги олий ўқув юртининг филология факультетлари ҳамда ўрта махсус таълим муассасалари талабалари учун махсус курс ва семинарлар олиб боришда фойдаланилмоқда;

ўзбек ва қозоқ латифаларидаги кўшимча образлар, мавзу ва мотивларнинг янги тарихий шароит таъсирида мунтазам янгиланиб боришидан олинган натижалардан Шимкент шаҳар ўзбек драма театри жамоаси сахнасига қўйиладиган спектакл сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Қозоғистон республикаси Шимкент шаҳар маданият, тилларни ривожлантириш ва архив ишлари бошқармасининг Шимкент шаҳар ўзбек драма театрининг 2020 йил 21 июлдаги 66-сон маълумотномаси). Натижада сатирик ва юмористик қаҳрамон характерини тўлақонли яратиш имконияти яратилган;

ўзбек ва қозоқ халқлари тарихида муҳим ўрин тутган географик муҳит ва ўхшаш ижтимоий-сиёсий, этник, этнографик ва маънавий омилларнинг латифа жанрида ўхшаш сюжетлар, мотив ва қаҳрамон типининг юзага келишида асосий ролни ўйнаганидан олинган илмий хулосалар асосида Шимкент шаҳар ўзбек этномаданий жамоат бирлашмаси (Шимкент шаҳар ўзбек этномаданий жамоат бирлашмасининг 2020 йил 13 июлдаги 45/01-сон маълумотномаси) Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Озарбайжон ва Туркия билан ҳамкорликдаги ташаббусга кўра «Насриддин Афанди латифалари»ни ЮНЕСКОнинг номоддий маданий мерос объектлари рўйхатига киритиш юзасидан таклиф билан чиққан.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 11 та илмий-амалий анжуманда, шу жумладан, 4 та республика ва 7 та хорижий конференцияларда қилинган маърузаларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 22 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та илмий мақола, улардан 1 таси хорижий журналда чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган бўлиб, умумий ҳажми 145 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазибалари, предмети ва объекти аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Латифанинг жанр хусусиятлари**» деб номланиб, мазкур бобнинг «**Туркий халқларда латифаларнинг ўрганилиш тарихи**» деб номланган илк фаслида туркий халқлар хусусан, ўзбек, қозок, турк, қирғиз фольклоршунослари томонидан латифа жанрининг ўрганилиши хусусида фикр юритилади.

Латифа қисқа юмористик ҳикоя бўлиб, юмор ва сатирага асосланган машҳур, оммавий жанрни англатади. Уларда сўз ўйини, киноя асосий ўринни эгаллайди. Латифада бирор ҳаётий воқеа ҳикоя қилинган учун у эпик жанрга мансуб ҳисобланади. Туркий халқларда латифа жанрига доир бир қатор тадқиқотлар олиб борилган. Бу борада ўзбек фольклоршунос олимларининг тадқиқотлари диққатга сазовор. Хусусан, ўзбек халқ латифалари жанр хусусиятларини тадқиқ қилган олим Б.Суванқулов мазкур жанр бўйича олиб борилган изланишларни уч гуруҳга ажратиб, тавсифлайди:

«Биринчи гуруҳ – жанрнинг ғоявийлиги, мавзулари ва образларини ёритган ишлар. Бу гуруҳга Р.Муқимов, Ё.Жўраев, Ҳ.Раззоқов, Ф.Йўлдошевларнинг тадқиқотларини киритиш мумкин⁷.

Иккинчи гуруҳ – латифаларнинг намуналарини тўплаб ва нашр этишга оид ишлар. Мазкур гуруҳга Ш.Ризо, С.Абдулла, А.Раҳмат, Ҳ.Раззоқов, Ш.Шомақсудов, Ш.Шораҳмедов, Ё.Жўраев, Б.Саримсоқов, Ф.Йўлдошева ва бошқаларнинг тадқиқотлари мансуб⁸.

Учинчи гуруҳ – халқ латифаларининг жанр хусусиятларини аниқлашга оид ишлар. Ушбу гуруҳга О.Собиров, Б.Саримсоқов, Ф.Йўлдошева, К.Имомовларнинг ишлари мансуб⁹. Кўриб ўтганимиздек, латифа жанри

⁷ Муқимов Р. Ўзбек халқ оғзаки ижодида сатира ва юмор // Ўзбек сатирасининг айрим масалалари. – Самарқанд: СамДУ, 1964. -Б. 18-55; Жўраев Ё. Ўзбек халқ ижодида динг қарши мотивлар. – Т.: Фан, 1965. – 163 б.; Раззоқов Ҳ. Ўзбек халқ оғзаки ижодида сатира ва юмор. – Т.: Фан, 1965. – 144 б.; Йўлдошева Ф. Ўзбек латифаларида Насриддин Афанди образи – Т.: Фан, 1979. – 103 б.

⁸ Афанди латифалари (тўпловчи Ш.Ризо). 6 жилдлик. – Т.: Ўзадабийнашр, 1941; Насриддин Афанди латифалари (тўпловчилар С.Абдулла, А.Раҳмат). – Т.: Ўзадабийнашр, 1960. – 212 б.; Латифалар (тўпловчилар Ҳ.Раззоқов, Ш.Шомақсудов, Ш.Шораҳмедов). – Т.: Тошкент, 1968. – 380 б.; Афандининг аҳди (тўпловчи Ё.Жўраев). – Т.: Ёш гвардия, 1966. – 44 б.; Афанди латифалари (тўпловчилар Б.Саримсоқов, Ф.Йўлдошева). – Т.: Адабиёт ва санъат, 1990. – 272 б.

⁹ Собиров О. Латифа ва лофлар //Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Т.: Ўқитувчи, 1980. – Б. 176-186; Саримсоқов Б. Ўзбек фольклорининг жанрлар состави //Ўзбек фольклори очерклари. 3 томлик. – Т.: Фан, 1988. Т.1. – Б. 64-85; Йўлдошева Ф. Латифа //Ўзбек фольклори очерклари. 3 томлик. – Т.: Фан, 1989. Т.2. – Б.139-150; Имомов К. Латифалар //Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Т.: Ўқитувчи, 1990. – Б.216-222. Суванқулов Б. Ўзбек халқ латифаларининг жанр хусусиятлари ва бадиияти. Филол. фанлари номзоди... дисс. – Тошкент, 2007. 4-бет.

бўйича олиб борилган тадқиқотларда мазкур жанрга оид намуналарнинг тўпланиши, нашр этирилиши ва жанр хусусиятлари кенг ёритилган. Латифа жанрининг хусусиятлари борасида олиб борилган тадқиқотларда қуйидаги хулосалар чиқарилган:

Р.Муқимов мазкур жанрга тўхталар экан, унинг баён услубини: «Латифа баён қилишнинг кичик ҳикоя формаларидан...»¹⁰ ташкил топишини, шунингдек, «Латифаларнинг хушчақчақ, оптимизм тўла мазмунига мувофиқ уларнинг ихчам, халқчил формаси ҳам мавжуд. Шу сабабдан ҳар бир латифада конфликт, тип яратиш йўли, образни характерлар усули ҳам мазмунга яраша ихчам, чингиллама тус»¹¹ олишини таъкидлаб ўтади. «Латифалар учун қаҳрамонларнинг чуқур характеристикаси хос эмас: уларнинг кўпчилиги асосини конкрет ситуация ва унинг ҳал этилиш усули ташкил этади»¹² дея бу борадаги қарашларини таъкидлаган.

Ҳ.Раззоқов эса «Латифа эпик тур жанрларининг ҳаммаси, халқнинг сатирик, юмористик комедиялари, қисман қочирим, сўз ўйинлари... Бу билан бирга, у аския-пайровлар билан бир бутунликни ташкил қилади»¹³, – дея латифа жанри хусусиятларини кўрсатади.

Қозоқ латифалари халқ оғзаки ижодининг бошқа жанрлари, хусусан, афсона-ҳикоя, эртак, мақол-матал, жумбоқ, қисса, достон, чечанлик сўзлари, айтишув кабилар билан қадимдан параллел равишда ривожланиб келган. Натижада латифалар эртак, афсона, чечан сўз каби жанрлар билан бирга нашр этилган. Хусусан, уч томлик «Қазақ ертегілері» тўпламининг иккинчи томида¹⁴ «Күлдіргі ертегілер», «Алдар көсе туралы аңыздар», «Қожанасыр туралы аңыздар», «Газша бала» деб номланган боблар юқоридагидек аталса ҳам, уларнинг латифа жанрига мансуб намуна эканлиги шубҳа туғдирмайди. Шунингдек, тўпламининг «Латифалар» номли бўлимида «Үш қу», «Аңқау және ұры», «Қолдаушы болса, өтірік айтушы да табылады», «Ығай мен Сығай», «Екі жалқау» ва бошқа қулдирувчи эртаклар деб номланса ҳам уларнинг мазмуни ва хусусиятларига кўра латифа жанрига мансуб. Шунини таъкидлаш жоизки, қозоқ латифаларини тўплаб, нашр этилишида Б.Кенжебаевнинг хизмати катта. Чунончи, унинг «Тымпи» (1981) латифалар тўплами китобининг чоп қилиниши бу борадаги аҳамиятга молик иш бўлган. Шунингдек, Т.Абдирахмонов Қожанасыр ҳақидаги латифаларни тўплаб, янги нашрни 1977 йили ўқувчилар қўлига тақдим» этди. Бу нашр 1995 йилда яна бир бор қайта чоп этилди.

«Бабалар сөзі» 100 жилд туркумининг 98-жилди «Күлдіргі әңгімелер»¹⁵ деб номланган. Унга 323 латифа киритилган. Мазкур китобнинг «Қожанасыр ва Жоҳа ҳикоялари» бобида келтирилган Қожанасыр ҳақидаги матнлар К.Рахманов, Ш.Каметов, А.Уакитов, Ж.Бугибоев, Мазҳикеев, М. Рустемов,

¹⁰ Муқимов Р. Ўзбек халқ оғзаки ижодида сатира ва юмор //Ўзбек сатирасининг айрим масалалари. – Самарқанд: СамДУ, 1964. – Б.18.

¹¹ Ўша манба. – Б.20.

¹² Муқимов Р. Ўзбек ва тожик сатираси тараққиётининг асосий босқичлари. – Самарқанд: СамДУ, 1973. – Б.25.

¹³ Раззоқов Ҳ. Ўзбек халқ оғзаки ижодида сатира ва юмор. – Т.: Фан, 1965. – Б.95-96.

¹⁴ Қозоқ эртаклари. Уч томлик, 2-том. – Алматы. 1962. 443-458-бетлар.

¹⁵ Бабалар сөзі: Жўзтомдық. – Астана: «Фолиант», 2013. Т. 98: Кўлдіргі әңгімелер. – Б. 440.

К.Конирбаева мероси, шунингдек Б.Уакатов, Б.Адамбаев, К.Саттаров, Г.Султангалиева каби тадқиқотчилар томонидан ўтказилган турли экспедициялар пайтида ёзиб олинган, М.О.Ауезов номидаги Адабиёт ва санъат институтининг қўлёзмалар фонди томонидан тўпланган. Ундаги Жоҳа (Ёҳа) ҳақидаги ҳикоялар Хитой қозоқлари томонидан тузилган «Оғзаки адабиёт намуналари» тўпламининг «Латифалар» деб номланган 21-жилдидан ўрин олган. Шунингдек, А.Доспанбетов, А.Тажиев, М.Ақтайлаков, Т.Амиренов, Т.Жексенбеков, адабиётшунос олимлар Б.Кенжаев ва Н.Тўрақулов, К.Тунғишбоевлар томонидан тўпланган халқ оғзаки ижоди намуналари, хусусан, латифалар қўлёзмалар фондида сақланади. Бу материаллар асосида йиллар давомида «Қазақтың күлдіргі – сықақ әңгімелері» (1963), «Қожанасыр хикаялары» (1977), «Күлдіргілер» (2011) кабиранг-баранг латифа тўпламлари чоп этилган.

Қ.Абдуқадиоровнинг «Алдар көсе хикаялары» (1959), Т.Абдирахмановнинг «Қожанасыр хикаялары» (1965), «Қожанасыр хикаялары» (1977), профессор Б.Кенжебоевнинг «Тымпи» (1981), К.Сейдахановнинг «Үлкен қазан» (1985), Б.Адамбаев ва Т.Ёрқинбековаларнинг («Ел аузыдан») «Шешендік сөздер, ақындық сўхбат, аңыз хикаялар» (1985), Қ.Саттаровнинг «Күлдіргі әңгімелері» (1987) китоблари нашрдан чиқди. «Қазақ ертегілері» деб номланадиган уч томлик китобга Алдар кўса, Насриддинхўжа, Жайронча, Тозча бола номлари билан боғлиқ қозоқ латифалари ва юмористик ҳикоялар киритилган.

Ҳозир ҳам «Қазақ әдебиети», «Жас Алаш» газеталари билан биргаликда «Балдырған», «Ара», «Зерде», «Парасат», «Жалын», «Аңыз адам» сингари журналларда «Қожанасыр қоржыны», «Ел аузыдан», «Жалған мен шын аралас», «Әзіл жиектер» каби рубрикаларда латифа жанрининг беқиёс намуналари мунтазам чоп этиб борилади.

Латифалар билан Насриддинхўжа ҳикояларини тўплаш, нашрдан чиқаришда машаққатли меҳнат қилган Абубакир Диваев, Мухтор Аvezов, Бейсенбой Кенжебоев, Утабой Турманжанов, Есмағанбет Исмаилов, Тукен Абдурахманов, Нисонбек Турақулов, Кубей Сейдаханов, Болтабой Адамбоев, Қидирали Саттаров ва бошқа ёзувчи-шоирлар ҳамда олимларнинг асарларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Латифаларни, Насриддинхўжа ҳикояларини тўплашда, мана шу экспедиция материалларини чоп қилишда филология фанлари доктори, профессор Қидирали Саттаров саъй-ҳаракатлари таҳсинга сазовор («Кулдирги ҳикоялар», 1987).

Латифалар туркийлар ҳаётидан мустаҳкам ўрин олгани учун барча туркий халқлар оғзаки ижоди намунасида кенг таҳлил ва тарғиб этилган. Жумладан, адабиётшунос олим А.Алимбековнинг таъкидлашича «Турк латифаларининг илк ёзма намуналарини XIII-XIV асрга оид бўлган адабий ёдгорликларда кўриш мумкин. Хўжа Насриддин ҳақидаги 43 латифани қамраб олган илк тўплам санаси 1571 йил. Насриддин Хўжа тарихий шахс бўлиб, 1208 йили Сиврихисорга яқин жойдаги Ҳормо қишлоғида туғилган. Отасидан сўнг бироз вақт қишлоқда имомлик қилади ва 1237 йилда мутасаввуф олим Саййид Маҳмуд Ҳайронийга мурид бўлиш учун Оқшаҳарга келади. Умрининг

охиригача (1284) бу ерда яшаб қолган Хўжа халқ орасида ниҳоятда зукко, гапга уста, адолатпеша одам сифатида танилади. Нуктадон, ориф инсон бўлган Насриддин Хўжа замондошларининг кўнглидаги гапларини топиб айтаганки, бора-бора у ҳақида латифалар тўкилиб, халқ қаҳрамонига айланиб кетган»¹⁶. Шунингдек, олим Туркияда 1837 йилдан буён Хўжа Насриддин латифалари китоб ҳолида тез-тез босилиб туриши, 1857 йилдан Европа тилларига таржима қилина бошлагани, 1865 йилда қирқдан ортиқ латифалар ўзбек тилида китобот қилинганлиги ҳақида ҳам маълумот бериб ўтади.

Биринчи бобнинг иккинчи фасли **«Ўзбек ва қозоқ латифаларининг қиёсий таҳлили»** деб номланган. Бу фаслда икки халқнинг латифалари мавзу кўлами, қаҳрамон характер хусусияти, жанр тузилиши ва сюжетлари ўзаро қиёсланиб, қадимдан бир халқ бўлиб яшаган икки миллат халқ оғзаки ижоди намуналари генезиси бир нуқтага бориб туташиши ҳақида хулоса чиқарилди.

Ўзбек ва қозоқ халқлари қардошлигининг илдизлари жуда қадим замонларга бориб тақалади. Марказий Осиё минтақасида қон-қардош, қолаверса, қўшни сифатида ҳаёт кечириб келаётган ўзбек ва қозоқ халқларининг ижтимоий ҳаёти билан маданияти чамбарчас боғлиқ бўлгани сабабли уларнинг этнографик хусусиятлари ва тили бир-бирига жуда яқин. Ижтимоий-сиёсий, географик жиҳатдаги бу яқинликлар бадий ижодда ҳам ўз аксини топган. Халқ муаммоларини кулгу орқали намоён этишда бир халқда Насриддин Афанди бош майдонга чиқса, бирида Алдаркўса бу юкни ўз зиммасига олади ва мазлум халқ орзу-умидларини кулгу ва киноларда халқнинг ўзига қайта етказди.

Ҳар бир халқнинг ўз юмористик қаҳрамони мавжуд бўлади. Шунинг учун кўчманчи Алдар кўсанинг ақли ва фаросати шаҳарлик Насриддинхўжага бутунлай зид. Шунингдек, ўзбек қизи айёр Майсара белорус донишманди Нестеркадан тубдан фарқ қилади. Ўрта Осиё халқларининг фольклорида сатирага асосланган эртак, ривоят ва ҳикоя жанрлари ўз қаҳрамонининг ҳазиломуз, таъсирчан латифалари, кулгили эпизодлари билан алоҳида ажралиб туради. Ўрта Осиё халқларининг оғзаки ижоди намуналарида баъзан сатира ва юморга йўғрилган латифа сюжети асосига қурилган эртак, афсона ва ҳикоялар учрайди. Масалан, ўзбекларда Насриддинхўжа, Афанди, тожикларда Мушфиқий, туркманларда Камина, Мирали, Эсанбулат, уйғурларда Салай Чаққа, қозоқларда Алдар кўса, Насриддин хўжа, Тозча бола, Шибут, Қилбўйин, Лепирмачи ва Кўпирмачи каби номлари машҳур латифа қаҳрамонлари бор. Шунингдек, XIX асрнинг II ярмида яшаган Сал Қозоқбой ва Назар пучиқ ҳақида Бухоро, Навоий вилоятларидаги қозоқлар орасида ҳар хил иронияга қурилган ҳазил-ҳангома юмор ва сатира аралаш ҳикоялар кўплаб тарқалган ва бугунги кунга қадар етиб келган.

«Туркий халқларида латифа жанрининг пайдо бўлиши ва такомилли масалалари» деб номланган иккинчи бобининг биринчи фасли **«Туркий халқларда латифа жанрининг пайдо бўлиши ва унинг хусусиятлари»** деб

¹⁶ Алимбеков А. Турк адабиёти тарихи (XIII-XVIII асрлар). – Тошкент, 2014. 22-23-бетлар.

номланган. Мазкур фаслда латифа жанрининг пайдо бўлиши ва унинг жанр хусусиятлари ҳақида фольклоршуносларнинг фикрлари таҳлилга тортилган.

Латифа жанрининг вужудга келиши ва жанр хусусиятлари ҳақида кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Олимлар мазкур жанрнинг пайдо бўлиш жараёнини узоқ ўтмишга алоқалантиришади. Суванқулов латифа элементларини «Авесто»да ҳам учрашини таъкидлаб ўтган¹⁷. И.Брагинский эса айрим қадимги сўғд ҳикоятлари («Савдогар ва маржон тешувчи хизматкор ҳикояти» каби)¹⁸ латифа жанрига уйғунлигини таъкидлайди. Б.Привалов ўтган асрларда халқ латифалари бозорларда турли табақа вакилларининг муносабатлари асносида келиб чиқадиган кулгули вазиятларга боғлиқ ҳолда вужудга келганини таъкидлаб¹⁹ ўтган. А.Н.Веселовский ҳайвонлар ҳақидаги эпос кўшиқ жанридан кейин пайдо бўлган, эпос материални эртақ ва масаллар ташкил этади. Сатирик мақсадлар эса кейинроқ пайдо бўлганини таъкидлайди²⁰. Е.Д.Турсунов ҳам шунга яқин фикрни айтиб ўтган. Унинг таъкидлашича, латифалар маиший эртақларнинг бир тури бўлган гўл (лақма)лар ҳақидаги эртақлар заминида пайдо бўлади²¹. Демак, латифа жанрининг вужудга келиши хусусида турли қарашлар мавжуд. Биз эса бу борада Б.Привалов фикрининг тарафдоримиз. Е.Д.Турсуновнинг фикрини эса, назаримизда, латифаларнинг жуда кичик бир туркумигагина татбиқ этиш мумкин. Зеро, латифаларнинг асосий қисмида бош қаҳрамон доно ва зукко, ҳозиржавоб инсон сифатида намоён бўлади.

Ўзбек халқ оғзаки ижодидаги латифа жанри хусусида ўзбек фольклоршунослари Ҳ.Зарифов, М.Афзалов, М.Алавия, З.Ҳусайнова, О.Собиров, А.Қаҳҳоров, Ж.Қобулниёзов, М.Саидов, Т.Мирзаев, К.Имомов, М.Муродов, Б.Саримсоқов, Т.Ашуров, О.Сафаров, А.Мусақулов, М.Жўраев, У.Жуманазаров, Ш.Турдимов, Ж.Эшонқул ва бошқалар ўз қарашларини турли тадқиқотларда баён этишган.

Латифа жанри ва унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида Р.Муқимов, Ҳ.Раззоқов, О.Собиров, Ф.Йўлдошева, Б.Саримсоқов, К.Имомов каби фольклоршунос олимларнинг тадқиқотларида диққатга сазовор. Фольклошунослар латифа жанрининг бешта хусусиятларини кўрсатишади. Булар: 1) эпик турга мансублиги; 2) ҳажман қисқа бўлиши; 3) мазмунан ҳазил ва ҳажвга асосланганлиги; 4) тугалланган сюжетли бўлиши; 5) кутилмаган яқундан иборатлиги. Бу борадаги олимлар фикрларини қуйида кўриб ўтамиз:

Р.Муқимов мазкур жанрга тўхталар экан, унинг баён услубини: «Латифа баён қилишнинг кичик ҳикоя формаларидан...»²² ташкил топишини, шунингдек, «Латифаларнинг хушчақчақ, оптимизм тўла мазмунига мувофиқ уларнинг

¹⁷ Суванқулов Б. Ўзбек халқ латифаларининг жанр хусусиятлари ва бадиияти. Филол. фанлари номзоди... дисс. – Тошкент, 2007. 30-бет.

¹⁸ Брагинский И.С. Из истории таджикской народной поэзии. – М.: АН СССР, 1956. – С. 213-214.

¹⁹ Анекдоты Омирбека. – Нукус: Каракалпакстан, 1970. – С. 236-237.

²⁰ Веселовский А.Н. Собр. соч. В 16 т. – СПб.: ОРЯС имп.Акад.наук, 1913. Т.1. – С. 39

²¹ Турсунов Е.Д. Генезис казахской бытовой сказки. - Алма-Ата: Наука, 1973. – С. 155.

²² Муқимов Р. Ўзбек халқ оғзаки ижодида сатира ва юмор //Ўзбек сатирасининг айрим масалалари. – Самарқанд: СамДУ, 1964. – Б.18.

ихчам, халқчил формаси ҳам мавжуд. Шу сабабдан ҳар бир латифада конфликт, тип яратиш йўли, образни характерлар усули ҳам мазмунга яраша ихчам, чингиллама тус»²³ олишини таъкидлаб ўтади. «Латифалар учун қаҳрамонларнинг чуқур характеристикаси хос эмас: уларнинг кўпчилиги асосини конкрет ситуация ва унинг ҳал этилиш усули ташкил этади»²⁴ дея бу борадаги қарашларини таъкидлаган.

Ҳ.Раззоқов эса «Латифа кичик, ихчам шаклда чуқур маъно ифодаладиган эпик жанрдир... Бу билан бирга, у аския-пайровлар билан бир бутунликни ташкил қилади»²⁵ – дея таъкидлайди.

Ф.Йулдошева бу жанрдаги ўзига хосликни «қаҳрамондан усталик ва моҳирликни, тафаккурнинг ўткирлиги ва чуқур идрокни, уддабуронлик билан иш тутишни талаб» қилишида кўради»²⁶. О.Собиров: «Латифалар... халқ оғзаки прозасининг воқеабанд, ҳажман кичик, юмористик характердаги халқ ҳажвиёти жанрларидан ҳисобланади»²⁷, деб айтиб ўтган бўлса, Б.Саримсоқов: «Латифа эпизодик сюжетга эгаллиги, воқеанинг кутилмаганда бошланиб, кутилмаганда кулгили тугаши, икки ёки уч шахснинг диалогидан иборат ортиқча тасвирийликдан холилиги билаи алоҳида ажралиб туришини»²⁸ таъкидлаган.

Қозоқ адабиёти тарихидаги юмор ва сатира жанрининг юзага келишида халқ оғзаки ижодидаги латифалар асос бўлган. Қозоқ латифаларини мавзу моҳиятига кўра қуйидаги тасниф қилсак мақсадга мувофиқ бўлади:

1) одам умри ва турмуш-тирикчилигига боғлиқ латифалар;

2) бойлик ва камбағаллик, очлик ва тўқлик, мурувват ва мурувватсизлик ҳақида айтилган латифалар;

3) қувлик, хийлакорлик ва ёлғон ортидан кун кечирмоқчи бўлган эпчиллар ва ўғрилар, қароқчилар ҳақидаги латифалар;

4) хон, подшоҳ, бой сингари ҳукмрон табақаларнинг вакилларига ҳақидаги латифалар;

5) дин, урф-одатга боғлиқ латифалар;

6) касал-беморларни даволовчилар, дам солувчилар, дуохон, иссиқ-совуқчи, кинначи, фолбинлар, табиблар, ўлим ва абадий ҳаёт кечириш тўғрисидаги латифалар;

7) донолик, билимдонлик, сўзга чечанлик, ҳозиржавоблик ҳақидаги латифалар;

8) замонавий латифалар.

Қозоқ фольклоршунослигида Қожанасыр ҳақидаги латифалар фольклоршунослар томонидан мунтазам тадқиқ этиб келинмоқда.

²³ Ўша манба. – Б.20.

²⁴ Муқимов Р. Ўзбек ва тожик сатираси тараққиётининг асосий босқичлари. – Самарқанд: СамДУ, 1973. – Б.25.

²⁵ Раззоқов Ҳ. Ўзбек халқ оғзаки ижодида сатира ва юмор. – Т.: Фан, 1965. – Б.95-96.

²⁶ Йўлдошева Ф. Ўзбек латифаларида Насриддин Афанди образи. – Т.: Фан, 1979. – Б.26.

²⁷ Собиров О. Латифа ва лофлар // Ўзбек халқ отзаки поэтик ижоди. – Т.: Ўқитувчи, 1980. – Б.176.

²⁸ Саримсоқов Б. Ўзбек фольклорининг жанрлар состави // Ўзбек фольклори очерклари. 3 томлик. – Т.: Фан, 1988. Т.1. – Б.75.

Иккинчи бобнинг иккинчи фасли «*Туркий халқларда Алдар кўса, Афанди ва Қожанасыр образига хос хусусиятлар*» деб номланган бўлиб, унда латифа жанри қаҳрамонларининг характер хусусиятлари таҳлиллар асносида ёритилган.

Тадқиқотчилар оғзаки адабиётдаги Алдар кўса ва Насриддинхўжа образининг барча туркий халқлар фольклорига мансуб қаҳрамон эканлигини таъкидласа-да, ҳозиргача бу масалага аниқ хулоса берилгани йўқ. Чунки Насриддинхўжа, аввало, маълум бир жойда туғилиб, улғайиб, ақл-заковати ва меҳнати ортидан машҳур бўлиб, ўзга халқларда ҳам машҳурликка эришган. Бу гап қозоқ муҳитида яратиилган Алдар кўса учун ҳам тўлалигича мос ва муносибдир. Аслида латифа қаҳрамонлари бўлган Алдар кўса ва Насриддинхўжа образларининг туркий дostonларда эпизодик тарзда бўлса-да учраши уларнинг умумтуркий муҳит билан чамбарас боғланиб кетганини кўрсатади.

Алдар кўса қозоқ халқ оғзаки ижодида халқни золимлар зулмидан ҳимоя қилувчи умумлашма образ сифатида жуда кенг тарқалган. Унинг туғилиб-ўсган жойи, туғилган йили аниқ бўлмаса ҳам, қайси уруғ ва қабиладан чиққанига ишоралар оз эмас. Халқ Алдар кўсани қозоқнинг Кичик юзи таркибидаги етти уруғнинг бири Рамадан билан боғлайди. Эл орасида бугунги кунга қадар ҳам Рамадан уруғига мансуб кишиларга «Алдар кўса авлодидан экансан-ку!» дея қочириқ қилиши бежиз эмас. Унинг шаънига «Алдар кўсанинг ҳатто ўлиги ҳам етти одамни алдаган» дейилган айтимлар ҳам яшаб келади, – дея унга мурожаат қилинади.

Йирик қозоқ фольклоршуноси Б.Адамбаев «Алдар көсе» асосан, қозоқ халқига мансуб қаҳрамон», – деган қарашни илгари суради. Ўзбек халқ ижодиётидаги «Алдар кўса ҳикояси» деган китоб 1911-1912 йиллари литографик усулда Бухорода чоп қилинган. Бу китобда Алдар кўсанинг қайси уруғдан чиққанлиги ҳақидаги маълумот бор: «Тарих минг олти юз тўқсон биринчисида Самарқанд ўлкасида Жонибек Замонида Рамадан Элидан Шумрай деган кишининг Қурай деган ўғли бўлади. Қурай балоғатга етиб, уйланиб, ундан яна бир Золи жаҳон пайдо бўлиб, бу боланинг макрига барча таъжуб бармоғини тишлаб, тафаккур баҳрига ўзини урар эди».

Олим Б.Адамбаев Қурқит, Насриддинхўжа, Хасан ота, Алдар кўса, Аёз би, Жайронча чечан каби тарихда яшаб ўтган шахслар ҳақида ўзининг фикрини билдирган. Эرتак жанрини тадқиқ қилган ўзбек олими Комил Имомов «Кўса номи билан машҳур бўлган эртақ қаҳрамонининг тарихий шахс ёки бадий образ эканлигини аниқлаб, юзага келган ўрнини белгилаш ниҳоятда мушкул»лигини эътироф этади.

Насриддин Афанди номи билан латифалар мазмунининг боғланиб, уйғунлашув жараёни XIX аср охири XX аср бошлари билан белгиланади. Ўзбек фольклоршунослиги фани асосчиси, профессор Ҳоди Зарифов қайд қилишича, Насриддин Афанди номининг ўзбек латифаларида шуҳрат топиши юртимизда матбаанинг пайдо бўлиши, Насриддин Афанди латифаларининг китоб тарзда нашр этирилишидан бошланган. Айтиш мумкинки, Озарбайжонда эълон

қилинган «Мулла Насриддин» журналининг ўзбек зиёлилари орасида кенг оммалашуви бу жараёни тезлаштирган. Ўтган аср бошларида «Насриддин Афанди» номи билан китоблар нашр этилди. Кейинчалик Шариф Ризо, Собир Абдулла, Адҳам Раҳмат, Ҳошимжон Раззоқов, Баҳодир Саримсоқов, Фарида Йўлдошева каби зиёли, адиб, олимлар ташаббуси билан афанди латифалари бир неча марта нашр этирилди, илмий тадқиқотлар олиб борилди.

Илмий маълумотларда Насриддин исмли шахс 1208 йилда вафот этгани, ҳатто ҳижрий ҳисоб билан унинг мақбарасига 386 йилда туғилган деб ёзилгани, йил рақамларининг ўрни атайин тескари тартибда берилгани ҳақида маълумотлар бор. Бу далилларни тадқиқотчи Фарида Йўлдошева шундай хулосалайди: «Тарихда Хўжа Насриддин исмли шахслар, Насриддин Афанди прототипларининг бир қанчаси ўтган бўлиши мумкин. Мана шу тарихий шахсларни халқ қаҳрамони Хўжа Насриддинга ҳаёт бағишлаган прототиплар десак бўладими? Аксинча, халқ қаҳрамони Насриддин тарихий шахсларга шуҳрат келтирди». Ҳақиқатан ҳам, халқ яратган Насриддин афанди латифаларидаги турфа хил кулгили воқеа-ҳодисалар шу қадар серкўлам ва ибратлики, улардаги умумий мазмун бир инсон ҳаёти чегарасига сиғмайди. Ўзбек Насриддин афанди латифаларида бош қаҳрамон ўта ҳозиржавоб, ўта зукко, доно ва тадбиркор инсон сифатида гавдаланади. Ҳаётда уни сўз билан, хатти-ҳаракат билан ечими йўқ вазиятга тушириш мумкин эмас. Чунки ақлли, мутафаккир Насриддин афанди қиёфасида бутун халқнинг, миллатнинг сўзга чечанлиги, закий, яъни нозик фикр юритиш фазилати ўз ифодасини топганлигини кузатамиз.

Диссертациянинг учинчи боби «**Латифада қаҳрамон муаммоси**» деб номланган бўлиб, мазкур бобнинг биринчи фасли «**Алдар кўса ва Насриддин хўжа типологияси, ўзига хосликлари**» деб номланган.

Қозоқ халқ оғзаки ижодидаги маълум бир латифада Алдар кўса, Хўжа Насриддин, Жиренше чечан каби эпик қаҳрамонлар турли ҳудудларда турлича, алмаштирилиб айтилаверади. Бир ерда латифа Алдар кўса номи билан айтилса, иккинчи бир ерда ҳудди шу латифа Хўжа Насриддин номи билан аталиши мумкин. Қожанасыр ва Алдар кўсани нафақат қозоқ фольклорида, балки бутун турк халқларининг оғзаки ижодидаги латифа жанрининг миллий ва байналмилал қаҳрамон даражасига кўтарилган типик образ деб аташ жоиздир. Алдар кўса ювош, камбағал чорвадор бўлган Қожир исмли киши бўлгани ҳам қайд этилган. Унинг туғулиш воқеалари «Алдарнинг туғилиши», «Алдар аталиши» каби латифаларда акс этган. Қозоқларнинг азалий урф-одати бўйича энг кичик ўғил отасининг оқ фотиҳасини олиб, Алдар кўса исмига эга бўлади:

Эй, ота мен алдасам,
Бўлса ҳам жин аврасам.
Юрт ишлайдиган²⁹ касб кўп,
Алдашни мен хоҳласам,

²⁹ Шева сўзи. У ўзбек тилидаги «қилмоқ», «амал қилмоқ» сўзларининг синоними сифатида қўлланган.

деб айтганда, «Кенжам сенинг хоҳишинг алдаш бўлса, бошқа касбни кўпчилик қилаверади, бу жуда ўзгача касб экан. Сени ҳам Оллоҳ олдиндан ёрлақасин», – деб унга оқ фотиҳа беради. Кўриб ўтганимиздек, Алдар кўса ғойибдан тушган қахрамон эмас. У маълум бир муҳитда туғилади, отасининг фотиҳасини олиб, Алдар «алдашга» отланиб, сафарга чиқади. Буларнинг барчаси эпик анъаналардаги тасвирлар билан уйғун.

